Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***

**к договору (контракту) от 10.01.2022 г. № ж/ш12**

**между ИИБ хузуридаги куриклаш бошкармаси и Жондор туман ХТБ на общую сумму 2100000,00**

Глава 075

Казначейский лицевой счёт 100022860062467096100075012

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4293000 | | | |
| Январь | 700 000,00 | | | 700 000,00 |
| Февраль | 700 000,00 | | | 700 000,00 |
| Март | 700 000,00 | | | 700 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **2 100 000,00** | | | **2 100 000,00** |

Всего 2100000,00 сум Два миллиона сто тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 2100000 сум или 100 % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Л.Бехбудова

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Жумаев Фаррух Азимович

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________

(подпись)

«___» ________________ 20___г.

**Объектни Техник қўриқлаш пункти (ТҚП) орқали қўриқлаш шартномаси.**

«10» январ 2022 йил. м/ш 12 -сон Бухоро шаҳри.

Бухоро вилоят Қўриқлаш бошқармаси номидан миллий гвардия қўмондонининг буйруғи асосида фаолият юритувчи, бошқарма бошлиғи **Ш.А.Жумаев** (кейинги ўринларда **«Ижрочи»** деб юритиладаи) бир томондан, **Жондор туман ХТБ рахбари Л.Бехбудова**.(кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда **«Томонлар»** деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I боб. Шартнома предмети

**1. Ижрочи** техник қўриқлаш пункти (ТҚП) орқали, мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II боб. Умумий шартлар

**2. Буюртмачи**, Жондор туман варахшо кўчасида жойлашган ХТБ Баркамол авлод болалар спорт мактаби обектини «ТҚП» оркали қўриқлашга топширади, **Ижрочи** эса ушбу объектни Бухоро вилоят қўриклаш бошкармаси Жондор туман куриклаш булими ТҚП оркали, қўриқлаш учун кабул килади.

**3.** Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жихозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади

**4.** Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриклаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЁОТ) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

## III боб. Тўловларни амалга ошириш.

**5.** Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда ойига 700 000 **(етти юз минг )** сўм уч ойга 2 100 000 **( икки миллион юз минг)** сўмни ташкил этади.

**6. Ижрочининг** хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш, конун хужжатларига мувофик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чикилади.

**7. Буюртмачи** кўрсатилган хизматлар учун ойлик **тўловнинг 100 фоизи миқдоридаги** аванс тўловини, кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

**8. Буюртмачи** мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, **Ижрочи, Буюртмачига** акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

**9.** Мазкур Шартнома бекор қилинганда ҳамда ҳар ойнинг якуни билан, **Ижрочи Буюртмачи** билан олиб борилган тўловлар бўйича, қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур (яъни таққослаш далолатномаси тузилиши).

## IV боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

**10. «Буюртмачи» нинг хуқук ва мажбуриятлари.**

а) Объектни ТКП оркали кўрикга топшириш учун, соз холдаги телефон тармоғини ажратади.

б) «Ижрочи»га топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида, текширув далолатномаси бўйича уни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди.

в) Объектни «Ижрочи»га топшириш ва кабул килиш, калитларни сақлаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.

г) Объектнинг калити йўқолганида уни бошкасига алмаштирганида ёки унинг бутлиги бузилганлигини аниклаганида, зудлик билан «Ижрочи»га хабар беради.

д) Бегона шахсларга қўриклаш ва сигнализация тизимини ва пульт ракамини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор қилмайди.

е) Қўриклаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш коидаларига қатъий риоя килади, объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди, «ижрочи» ни юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор килади.

ж) Объектни «Ижрочи» га топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамлайди, уларни доимий равишда соз ҳолда сакланишини таъминлайди.

з) Объектдаги КЁОТ воситалари ишдан чиқганида ёки фойдаланиш муддати ўтганида уларни кайта таъмирлаш учун, ТҚПни модернизациялаштирилган қўриклаш системасига ўтказилиши муносабати билан объектни замонавий ҚЁОТ воситалари билан алмаштириш ишлариниўз ҳисобидан амалга оширади.

и) ҚЁОТ воситалари уланган электр ва телефон тармокларини ўз вактида таъмирлаш чораларини кўради.

й) Объектни мазкур шартномада кўрсатилган тартибда олдиндан ва ўз муддатида ТҚП кузатувига топширади.

к) Қўрикланаётган объект ва унинг периметрини керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚП нарядларига тунги пайтда мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

л) Қўрикланадиган объектни тоифасига караб девори, томи, деразалари ва эшикларини техник жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлайди.

м) Қўрикланадиган объектда ёнғин хавфсизлиги коидаларига амал килиб, ў хисобидан ёнғин хавфсизлиги бурчагини ташкил килади ва объектда ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахс тайинлайди.

н) Ҳар чоракда томонларнинг масъул вакиллари иштирокида объектнинг техник мустаҳкамлиги, ҚЁОТ воситалари билан жиҳозланганлигини текширилиб, далолатнома тузилади, текширув жараёнида аникланган камчиликларни «Буюртмачи» белгиланган муддатида бартараф килиб, «Ижрочи»га ахборот беради. Мазкур далолатнома шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланади

о) Объектни қўрикланишини такомиллаштириш, моддий-товар бойликларни сакланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва «Ижрочи»га ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

п) Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки уни ижрага топшириш, объект жойини ўзгартириш (ўша маъмурий бинонинг ичида), янгисини вужудга келиши(ўша маъмурий бинонинг ичида), кўшимча ҚЁОТ воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган такдирда, «Ижрочи»ни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантиради.

р) «Ижрочи» томонидан ваколат берилмаган шахсларга, ҚЁОТ воситаларини техник кўрикдан ўтказишга рухсат бермайди.

с) Объектни хар куни ТҚПга топширишдан камида 3 соат олдин КЁОТ воситаларини созлигини, назорат тарикасида текширади, носозлик аникланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электртаъмирловчини чакиради ва бу борада «Ижрочи» га хабар беради.

т) Объектда иш вакти тугаганидан сўнг, электрмосламалар ва бошка ёнғин ўчокларини ёкиб қўйилишига йўл қўймайди. Лозим бўлганда, қўриклаш учун тўсқинлик қиладиган ва уни зудлик билан бартараф қилиш иложи бўлмаган нохуш ҳолатлар мавжуд бўлса, мулкнинг сакланиши учун тўлиқ жавобгарлик ўз зиммасида қолади.

**11. «Ижроччи» нинг хукук ва мажбуриятлари.**

а) ТҚП қўригига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлигини текшириб, унинг КЁОТ воситалари билан жиҳозланишига караб далолатнома тузади.

б) Объектнинг хавфсизлиги юзасидан КЁОТ воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойини белгилайди.

в) «Буюртмачи»га объектнинг техник мустаҳкам бўлмаган жойларига КЁОТ воситалари билан жихозлашни таклиф этади, бу таклиф «Буюртмачи» томонидан бажарилмаган такдирда бу ҳакда далолатнома тузади. Ушбу далолатнома шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланади

г Объектни «Буюртмачи» ҳисобидан КЁОТ воситалари билан тўлик жиҳозлайди, унинг ишлашини Буюртмачига ўргатади, телефон алокаси оркали пультга улайди ва керакли бўлган пульт маълумотини такдим этади.

д) Ўрнатилган тартибда объектни кўрикка олишда ўрнатилган тартибда ТҚП га уланиши ҳамда ўз вактида ТҲГ нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

е) Объект кўрикда бўлган вактда объектга кирган шахснинг қўлга олиш чорасини кўради.

ж) Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузади, лозим бўлганда «Буюртмачи»ни чакириб объектни очиб кўрикдан ўтказади ва бу ҳакда далолатнома тузади, унинг бир нусхасини «Буюртмачи»га беради.

з) Қўриклаш хизмати учун олинадиган тарифлар ўзгарганида «Буюртмачи»ни хабардор килади.

и) Мазкур шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор килиниши қуйидаги холларда амалга оширилади:

- «Буюртмачи» 2 ойдан ошиқ «Қўриклаш» хизмати учун тўловларни тўламаганлиги;

-ҳар кандай техник носозликлар, телефон раками ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚП жойи ўзгариб кўчирилганда;

- «Буюртмачи» томонидан шартнома 10-банди шартлари бажарилмаганда;

- объектнинг техник мустаҳкамлиги талабга жавоб бермаганда;

- Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда, ТҚП жойи ўзгарганда, объект қўриқка қабул қилинмайди, зудлик билан бу тўғрисида «Буюртмачи»ни ёзма ёки телефон оркали хабардор этади.

### V боб. Томонларнинг жавобгарлиги.

**12.** Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг **Буюртмачи** томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ҳолатида **Буюртмачи Ижрочига** ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори Шартнома баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**13. Ижрочининг** ходими постда турмаганлиги учун **Ижрочи Буюртмачига** бир кунлик қўриқлаш хизмати нархининг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**14. Ижрочи** мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида **Буюртмачига** етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ушбу ҳолатлари юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

**15.** Қуйидаги ҳолатларда етказилган моддий-зарарлар учун «Қўриқлаш» жавобгар ҳисобланмайди:

а) табиий офатлар оқибатида келтирилган мулкий зарарлар учун;

б) ўғрилик ёки боскинчилик йўли билан амалга оширилган ҳаракатларда пул ўғирланиши, қўриқланаётган хоналарда Буюртмачи қолдирмаслиги керак бўлган, белгиланган суммадан ошиб кетувчи пул воситалари қолдирилиб кетганида, ҳамда пул воситалари полда ўрнатилган сейф ёки металл жовонда сақланмаган ҳолларда қўриланган ҳолларда;

в) Иктисодий органини ишчиларининг шахсий мулки қўриқланаётган хонада қолиб кетганида;

г) жиноятчи томонидан қўриқланаётган хона ичида келтирилган зарар учун, агарда бунда жиноятчи ушбу хонага уни ёпилишидан олдин кирган бўлса ва хонани қўриқланмайдиган вақтда тарк этган бўлса;

д) пул бойликларни белгиланган жойда сақланмаган ҳолатларда уларни ўғирлаш ёки тажовуз содир бўлганда,

е) «Буюртмачи» томонидан сигнализация воситалари белгиланган вақтда ишга туширилмаганлиги, объектни қўриқлашга топширилмаганлиги, ёки сигнали-зациянинг носозлиги ҳақида «қўриқлаш»га хабар берилмаганлиги натижасида ўғирлаш, боскинчилик ёки тажовуз йўли билан товар-моддий бойликларга зиён етказилганда,

ё) икки томонлама тузилган далолатномада қўриқланаётган объектни техник мустаҳкамлигини ошириш бўйича талаблар бажарилмаслиги натижасида, товар-моддий бойликларни ўғирланишига шароит яратилганда.

### VI боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

16. Мазкур Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилишда вужудга келадиган низолар, келишмовчилик ва тортишувлар икки томонлама келишувлар йўли билан ҳал этилади, агарда ўзаро келишувлар йўли билан улар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда Бухоро вилоят иктисодий судига берилади.

### VII-боб. Форс-мажор.

17. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

18. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

19. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

20. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

### VIII боб. Якуний қоидалар.

21. Мазкур Шартнома **Буюртмачи** томонидан текшириш далолатномасида кўзда тутилган барча таклифлар ва тавсиялар бажарилиб, томонлар имзолагандан кейин 2022 йилнинг 01 01 кунидан кучга киради. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 03.31 гача.

**22.** Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда **Буюртмачи ва Ижрочининг** вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

**23. Буюртмачи** объектни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани бекор қилиш **(бир йил муддат тўлиқ ўтгандан сўнг)** тўғрисида **Ижрочига** бир ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

**24. Буюртмачи** мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида **Ижрочига** Шартнома муддати тугашидан **30 кун** олдин маълум қилмаса, худди шу шартларда мазкур **шартнома муддати яна бир йилга узайтирилган хисобланади**

**25. Буюртмачи** шартномани муддати тугашидан олдин воз кечса, **Буюртмачи** уч кун муддат ичида қўриқлаш хизматларини бекор қилишга боғлиқ харажатларни қоплаш учун "Қўриқлаш"нинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказади.

**26.** Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб **Томонлар** мазкур Шартномага, конун хужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

**IX-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.**

**«И Ж Р О Ч И»**

Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси.
**Манзили:** Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 10-уй
**Ҳ.Р.** 21596000203976980001
**МФО:** 00017 **ИНН:** 202623032
**Банк номи:** Марказий банк Бухоро вилояти бошқармаси.

Бошқарма бошлиғи

__________ **Ш.А.Жумаев**

**Хиз. тел: 221-30-10; 221-30-11**

Бошқарма МИБ бошлиғи

__________ **Н.Садуллаев**

Бошқарма ЮГ Бош юрисконсульти

__________ М.Сувонов.

Жондор туман куриклаш булими
ТҚМ бошлиги
__________ **Б.Каримов**

**«Б У Ю Р Т М А Ч И»**

Жондор туман ХТБ
**Манзили:** Халқобод кўчаси
**Ҳ.Р:** 10002286006246709610007501 2
**МФО:** 00014 **ИНН:** 201807824
**Банк номи:** Тошкент ш Марказийбанк.

Жондор туман ХТБ рахбари

__________ **Л.Бехбудова**

Бош ҳисобчи:

__________.

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»

Бухоро вилояти куриклаш бошқармаси бошлиғи

_________ Ш.А.Жумаев.

*2022 йил «10» 01*

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»

Жондор туман ХТБ рахбари

_________ Л.Бехбудова

*2022 йил «10» 01*

Жондор туман ХТБга карашли баркамол авлод обьектини қўриклаш

ХИСОБ-СМЕТАСИ

| 2022 йил учун | I-чорак | | |
|---|---|---|---|
| | январ | феврал | март |
| | 700 000 | 700 000 | 700 000 |

*ЖАМИ 2 100 000 (икки миллион юз минг)сўм*

Бошқарма МИБ бошлиги _________ Н.Садуллаев

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Hujjat raqami: ZH58520337
2. Loyihaning turi: Shartnoma
3. Loyihaning nomi:

**“Obyektni texnik qo’riqlash punkti (TPQ) orqali qo’riqlash shartnomasi”**

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:

Jondor tuman xalq ta’limi bo’limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 6-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **U.Nasimov**

2022-yil 7-yanvar